# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 1 март, №50 (3162) Шанба






# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 февраль куни Оқсаройда Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандесни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари азалий Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Сизни нафақат Ҳиндистоннинг мудофаа вазири, балки ушбу давлатнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов. — Улкан салоҳиятга эга Ҳиндистон билан узоқ йиллик алоқаларимиз бугунги кунда ҳам ҳар томонлама равнақ топмоқда. Кўплаб халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан мамлакатларимизнинг фикрлари ҳамоҳанг. Биз бундай муносабатларни қадрлаймиз.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Ҳиндистонда Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро ахборот алмашиш, минтақавий хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, азалий борди-келдиларни янги поғонага кўтариш ҳақида сўз борди.*

## ҲИНДИСТОН МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Шу куни Мудофаа вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда Жорж Фернандес ва Ўзбекистон ҳарбий маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокарада минтақавий хавфсизлик муаммолари, бу борадаги қўшма амалий ҳаракатларни жонлантиришга эътибор қаратилди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан кечган суҳбат давомида ҳам узоқ тарихга эга бўлган Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

# Ислоҳотларни жадаллаштириш — давр талаби

28 февраль куни Оқсаройда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, концерн, корпорация, банк ва бошқа молия муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Президент Ислом Каримов бошқарди.

— Яқинда Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисда ушбу масалага батафсил тўхталган эдик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу хулосалар, ўз навбатида, аграр соҳада бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни кўзда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигида ва умуман, иқтисодиётимизда ислоҳотларнинг оқсаётгани, чала-ярим амалга оширилаётганига аксарият ҳолларда жойларда буйруқбозлик, расмиятчилик, боқимандалик, тадбиркорлар ва фермерларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби иллатларнинг ҳали-ҳамон давом этаётгани сабаб бўлмоқда. Бугуннинг талаби соҳада бошқаришни такомиллаштириш, деҳқон ва фермерларга том маънодаги эркинлик бериш, уларнинг фаолиятида бозор ислоҳотларига хос соғлом рақобатни шакллантириш, мулкка эгалик ҳиссини мустаҳкамлашдан иборат.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришга қаратилган Фармони лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари — иқтисодиёт вазири Р. Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов ахбороти тингланди.

**(ЎзА).**

2 март – Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

# Жаҳонда ўз ўрнимиз бор

Эртага мамлакатимиз дунёдаги энг нуфузли ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига 11 йил тўлади. Маълумки, БМТ 1945 йилда ташкил топган ва бугунги кунда унга 191 та, яъни жаҳондаги деярли барча давлат аъзо.

БМТни инсониятни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этиш учун фаолият олиб борадиган марказ дейиш мумкин. Айни пайтда ташкилот тизимида 30 дан зиёд қўшма ҳаракат мавжуд. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қашшоқликни тугатиш, турли касалликларга қарши кураш, табиат муҳофазаси каби ҳаётимизнинг турли ижтимоий жабҳаларида иш юритмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, унинг ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўша кундан бошлаб, давлатимиз байроғи БМТ қароргоҳи узра ҳилпираб турибди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганиданоқ ҳамкорликни кенг кўламда амалга ошира бошлади. Бунда ташкилотнинг пойтахтимиздаги ваколатхонаси катта роль ўйнайди. Бугунги кунда ваколатхона ҳузурида узоқ муддатга мўлжалланган дастурлари мавжуд бўлган ўнга яқин ташкилот фаолият юритмоқда. ЮНИСЕФнинг мамлакатимизда оналар ва болалар соғлиғини сақлашдаги ташаббуслари, ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият соҳаларида олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий ёдгорликлар ва тарихий обидаларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказишда ушбу муассасининг ҳиссаси катта. Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ЮНЕСКОнинг “Жаҳон маданий мероси дурдоналари” китобига киритилган.

Ўзбекистоннинг ҳам БМТ фаолиятида ўз ўрни, мавқеи бор. Президентимиз Ислом Каримовнинг қатор глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Мамлакатимиз раҳбарининг БМТ Бош ассамблеяси 48 сессиясидаги нутқида кўтарилган масалалар нақадар муҳимлигини барча эътироф этди.

Юртбошимизнинг минтақадаги хавфсизлик, энг муҳими, Афғонистон муаммосини бартараф этиш бўйича таклиф ва ташаббуси ташкилот шафеълигида “6+2” гуруҳининг тузилишига асос бўлди.

1999 йил пойтахтимизда афғон муаммоларини ҳал этиш бўйича ўтказилган йиғин якунига кўра қабул қилинган “Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этилишининг асосий тамойиллари” тўғрисидаги Тошкент декларациясини БМТ Бош ассамблеяси томонидан узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий ҳужжат сифатида қабул қилди.

Президентимизнинг ташкилот “Мингйиллик саммити”даги нутқини жаҳон ҳамжамияти қизғин кутиб олди. Унда долзарб миллий, глобал муаммолар очиб берилиши ва янги ташаббусларнинг илгари сурилишини барча эътироф этди ҳамда қўллаб-қувватлади.

Ўтган йили Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ ўртасида «Рақамли тараққиёт ташаббуси» дастури амалга оширила бошланди. Шунингдек, икки томон ўртасида имзоланган махсус битимга биноан «Термиз-Ҳайратон» чегара маскани орқали 2002 йилнинг ўзида афғон халқига инсонпарварлик ёрдами учун 100000 тоннадан зиёд юк ўтказилди. БМТнинг 9 та муассасаси, қатор халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистоннинг «Чегаралар узра дўстлик» деб номланган қўшма дастури ҳам жорий қилинмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан ўтган йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ушбу нуфузли ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман, Марказий Осиёга илк бор келиши тарихий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари ва ташкилот Бош котиби ўртасида бўлиб ўтган музокаралар Президентимиз томонидан юқори баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари матбуот анжуманида Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари ҳаётга қай даражада ўз аксини топаётгани борасидаги саволга жавоб берар экан, ташкилотни ислоҳ қилишга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади ва унинг тузилганига ярим асрдан ошганлиги, ҳозир эса воқеълик, муаммолар, жаҳоннинг ижтимоий сиёсий харитаси ва умуман, вазият ўзгарганлигини айтиб ўтди. Шунинг учун БМТ уларга мослашиш, ҳар бир масалага имкон қадар самарали ечим топиш учун замонавий ёндашув йўлларини излашга шай бўлиши кераклигини қайд этди.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги кенг миқёсда ривожланиб, янада мустаҳкамланиб бораверади.

**Салим ДОНИЁРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

## Бугун ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бошланди

Танти деҳқонлар маскани Наманганда ер билан тиллашиб, унинг бағридан беҳисоб бойликлар ундираётган инсонлар кўплаб топилади. Ҳудуди тоғлар-у қир-адирларга туташ, икки дарё кесиб ўтган қанчадан-қанча катта-кичик ариқ, сой, каналлар, сув омборларидан баҳра олган ерлари эл дастурхонига тонна-тонна маҳсулот инъом қиляпти. Ана шу мевазорларни барпо қилишда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясига қарашли Наманган тажриба хўжалиги жамоасининг муносиб ҳиссаси бор.



# Боғларга бурканаётган замин



Бу ерга узоқ-яқиндан ташриф буюраётган кишиларнинг кети узилмайди. Улар орасида боғбон, соҳибкор, мутахассис, фермер, тадбиркорлар талайгина. Ҳаммасининг мақсади битта — сара, сифатли, ишончли кўчат харид қилиш. Жамоа раҳбари қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳамидхон Усмонов, ўрта бўғин раҳбарлари, таянч шохобча етакчиси Абдумалик Нишонов иш кўплигидан ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга интиляпти.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 25 февралдаги Фармойишида ҳам турар жой мавзелари ва маҳаллаларда кўчат ўтказиш алоҳида таъкидланган. Ушбу Фармойишда белгиланган вазифалар дастуримизга айланган, — дейди Ҳамидхон ака. — Биз асосан халқимизга маъқул ва манзур бўладиган сарҳил ниҳоллар тайёрлаймиз. Айни пайтда 100 гектар атрофида кўчатзор, 53 гектар токзор, 176 гектар боғимиз бор. Боғбонларимизнинг ҳалол фидокорона меҳнатлари эвазига ўтган йили 17 миллион сўм соф фойда олдик.

Хўжаликнинг Уйчи туманида 3 та бўлим фаолият кўрсатади. Уларга Абдували Қосимов, Тошканбой Малёров, Ҳасанбой Убайдуллаев бошчилик қилишади.

Дарҳақиқат, Наманган тажриба хўжалиги аҳил жамоаси етиштираётган мевали, манзарали дарахт, ток гул кўчатлари республикамизнинг энг чекка Қорақалпоғистон ерларига ҳам олиб бориб экилмоқда. Бу йил 330 минг туп мевали, 100 минг туп ток, 20 минг туп анор, 15 минг туп анжир, 20 минг туп хурмо, 1000 туп лимон, 160 минг дона терак, 100 минг туп гул кўчатлари сотиш мўлжалланган.

Хўжаликнинг Наманган туманидаги Шўрқўрғон, Чуст туманидаги Қорақўрғон бўлимларида ҳам иш қизғин. Янгиқўрғондаги Шароф Рашидов номли 100 гектарлик боғда ҳам кўкламги юмушлар тезкорлик билан бажариляпти.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: Шўрқўрғон бўлими бошқарувчиси Ҳабибулла Отахонов бош пудратчи Кимёхон Абдураҳмонова билан ниҳолларни тайёрлаяпти; кўчатлар юкланмоқда.**

**Муаллиф олган суратлар.**

Янгиланиш стратегияси

# ТАДБИРКОР ЭРКИН БЎЛСА...

## иқтисодиётда хусусий секторнинг ҳиссаси ошади

*Тадбиркорликни ривожлантириш жамият фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили, иқтисодиётни юксалтиришнинг зарур шарти сифатида баҳоланиб, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди.*

*Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир» деб белгилаб қўйилганлиги бу фикримизнинг яққол далилидир.*

Бундан ташқари, қабул қилинган Фуқаролик ва Ер кодекслари, қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди.

Натижада қисқа давр ичида мамлакатимизда тадбиркорлик сезиларли даражада ривожланиб, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи хусусий тармоқда яратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми амалда жорий этилганлиги иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, шартнома шартларининг бажарилиш аҳволи ва бу соҳада ҳалиҳанузгача интизом пастлиги, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида ҳамон энг заиф бўғин бўлиб, кўпроқ расмиятчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди.

**Президентимиз маърузаларида «... Иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўяётган қадамларимизга бугун сусткашлик, бошланган ислоҳотларнинг ўз мантиқий якунига етказилмаётгани салбий таъсир кўрсатаётганлиги, шу боис 2003 йилда асосий эътиборни айнан мана шу муаммога, яъни, ислоҳотларни чала-ярим амалга ошириш ҳолатларига барҳам бериш, биринчи галда мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратишимиз керак»лиги алоҳида таъкидланиб, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилди.**

Шундан келиб чиқиб, бугун ҳар биримиз жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, авваламбор, рўй бераётган ислоҳотлар натижаларини, янгича жараён ва сифат ўзгаришларни инобатга олган ҳолда фаолиятимизни чуқур танқидий таҳлил этиб, зарур хулосалар учун ташаббус ва фидойилик билан бел боғлашимиз керак.

Ўтган қисқа давр ичида қандай ютуқларга эришдик ва қандай камчиликларга йўл қўйдик, қайси муаммолар ҳал этилмасдан қолди? Амалга ошириш учун режалаштирган тадбирларимизнинг самараси албатта ушбу саволларга қай даражада холисона жавоб беришимизга бевосита боғлиқ.

Албатта, мамлакатимизда ушбу соҳада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Тадбиркорлар учун солиқ тўлов тизимида сезиларли даражада имтиёзлар яратилди. Давлат рўйхатига олиш, ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш тартиби соддалаштирилди. Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шу давр ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тиклаш ва айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлашнинг мустаҳкам ва самарали механизми яратилди.

Ўтган 2002 йил таҳлили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги қарорини ижро этиш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида маълум таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, йил давомида республиканинг барча вилоятларида бозор ислоҳотларига оид қонунчиликка риоя этилиши ўрганилди.

Натижада тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари асоссан уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кредитлар ажратиш вақтида бузилаётганлиги, тадбиркорларнинг маблағларини ноқонуний жалб этиш, уларни асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортиш, шартнома интизомини бузиш ҳолатларига ҳамон тўлиқ барҳам берилмаганлиги аниқланиб, ҳар бир ҳолат бўйича тадбиркорлар ҳуқуқларини тиклаш юзасидан аниқ амалий чоралар кўрилди.

Ўрганишлар натижалари юзасидан киритилган тақдимномалар асосида бир қатор айбдор шахслар жавобгарликка тортилиб, 290 нафар амалдор эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Бундан ташқари, республика Бош прокуратураси билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг ҳуқуқини қўпол равишда бузган 214 нафар мансабдор шахс маъмурий жаримага, 31 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилаётган, уларнинг ички молиявий-хўжалик ишига аралашаётган мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарликка тортилиши муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ТАДБИРКОР ЭРКИН БЎЛСА...

## иқтисодиётда хусусий секторнинг ҳиссаси ошади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркорларнинг ҳуқуқини қўпол бузаётган ашаддий қонунбузарларни муқаррар суд жавобгарлигига тортиш механизми яратилди. Тадбиркорларга етказилган моддий, маънавий зарарлар ҳамда бой берилган фойда шунга сабабчи мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириб берилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, адлия идоралари томонидан киритилган 9 млрд. сўмга яқин даъволар судлар томонидан қаноатлантирилди.

Кўп ҳолларда айбдор шахслар суд муҳокамасидан ҳамда оммага ошкор бўлишидан қўрқиб ихтиёрий равишда, суд жараёни бошлангунга қадар тадбиркорларга етказилган маънавий ва моддий зарарларни қопламоқдалар.

Жумладан, 640 нафар мансабдор шахс томонидан тадбиркорларга етказилган 292 млн. сўмлик зарар ихтиёрий равишда қопланган ва суддаги ишлар келишув битимини тузиш билан якунланди.

Республикамиз раҳбари томонидан ўз вақтида қўллаб-қувватланиб ва алоҳида эътибор қаратилган "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"нинг амалда жорий этилиши тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар сонининг кескин қисқаришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Бугунги кунда 200 мингдан зиёд "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" чоп этилиб, тадбиркорларга етказилди.

Таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлар ўртасида мониторинг ўтказилганда "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" тўлдириш учун тақдим этилган кўп ҳолатларда "ноқонуний текширишга келган" текширувчи шахслар текшириш ўтказмасдан кетиб қолаётганлиги маълум бўлди.

Адлия вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ҳамкорликдаги муқобил текширишларни тартибга солиш натижасида, ноқонуний текширишлар сони ўтган йилда 2001 йилга нисбатан 10 баробар қисқарди.

Шунингдек, Адлия вазирлигида ва жойлардаги адлия бошқармаларида тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг яна бир воситаси «ишонч телефонлари» фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир ноқонуний аралашиш ҳолати вилоят адлия бошқармалари томонидан вазирликка махсус хабар орқали етказилмоқда. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига 2002 йилда тадбиркорлардан 1038 маротаба "ишонч телефони"га мурожаатлар бўлиб, шундан, 320 таси бўйича ноқонуний ҳаракатлар зудлик билан бартараф этилиб қолганлари бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Президентимиз Ислом Каримов 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муоммаларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаларида "ҳозирги кунда давлат, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва деҳқон фермер ўртасида муносабатлар фақат шартнома асосида қурилмоқда ва қурилиш шарт"лигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

Шу асосда шартномавий-ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик корхоналаридаги шартномалар, шу жумладан, ички хўжалик шартномалар тузилиши ва ижроси аҳволи доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Адлия вазирлиги ҳам шартномавий муносабатларга киришувчи тарафларга ҳуқуқий амалий ёрдам бериш билан бирга уларнинг ижроларини ваколат доирасида назорат қилиб келмоқда.

Адлия идоралари талабига кўра, ўтган йил давомида 13780 та корхона ва хўжаликларда 521,4 мингдан зиёд ташқи ва ички хўжалик шартномалари ўрганиб чиқилиб, улардан 54 мингдан ортиғи қайта туздирилиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилди.

Бугунги кунда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар сифатини янада ошириш мақсадида тегишли идоралар ҳамкорлигида ҳар бир (қишлоқ) туманда намунавий ширкат хўжаликлари ташкил этилди. Бу хўжаликларда адлия идораларининг бириктирилган масъул ходимлари чуқур ўрганишлар ўтказиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўришмоқда. Ҳар бир намунавий ширкат ва фермер хўжаликлари иқтисодий ислоҳотларга оид қонун ҳужжатлари билан таъминланган.

Хўжалик шартномаларини, шунингдек, ички хўжалик шартномаларини тузишда адлия ходимлари бевосита иштирок этиб, қонун нормаларини тушунтириб, семинарлар ўтказишмоқда. Шартнома мажбуриятларининг бажарилишида, чек юритиш ишларида, пай гувоҳномаларини эгаларига етказиш ва девидент тўлаш масалаларига ҳам тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Шартнома шартларини бажармаган тарафларга тақдимнома, тегишли тартибда судларга даъво аризалари киритиб, намунавий ширкат ва фермер хўжаликларининг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Бугунги кунда республикамизда шартномаларнинг тузилишида қонунийликни таъминлаш борасида маълум ижобий натижаларга эришилди. Ҳар бир фермер, деҳқон ёки пудратчида ҳамда хизмат кўрсатувчи, таъминотчи ташкилотлар ходимларида шартномага оддий бир қоғоз сифатида эмас, балки мажбуриятларни вужудга келтирувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида қараш шаклланмоқда.

Аксарият тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан тузиладиган шартнома лойиҳаларининг Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва шундан кейингина жойларга юборилиши йўлга қўйилди.

Барча вилоят ҳокимларига мавжуд аҳвол, ўрганишларда аниқланган нуқсонлар батафсил таҳлил этилган ва асослантирилган тақдимномалар киритилди. Ушбу тақдимномалар барча вилоят ҳамда туман ҳокимликларида Адлия вазирлиги ходимлари иштирокида муҳокама этилиб, аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши юзасидан аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармаларида назорат карточкалари юритилган бўлиб, улар бузилган ҳуқуқлар тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан кейингина назоратдан олиниш тартиби йўлга қўйилди.

Бугунги кунда қонун ҳужжатларининг тизимлаштирилган маълумотлар электрон базасини ташкил этиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонунчиликнинг долзарб муаммоларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва зарур таклифлар тайёрлаш ҳамда бу борадаги чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадида вазирликнинг марказий аппаратида 19 та қонунчилик йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Тадбиркорлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарасини ошириш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, энг муҳими, тадбиркорликка бўлган муносабатни ўзгартиришнинг таъсирчан усулларидан бири оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишларни, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўлланилган таъсир чораларини кенг жамоатчилик эътиборига етказишдир. Шунингдек, тадбиркорлар билан жойларда суҳбат ўтказиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича лекция ва семинарлар уюштириш ҳам муҳимдир.

«Ҳаёт ва қонун» ихтисослашган журнали, «Инсон ва қонун» ҳафталик газетасида аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган, тадбиркорликдаги муаммоларга оид турли рукнларда мақолалар чоп этилди.

Тарғибот ишларида, асосий эътибор қонунларимиз амалда ишлаётганлиги ҳақидаги маълумотларни фуқароларимизга етказишга қаратилмоқда. Ахир фуқароларимизнинг адолат топиб, бузилган ҳуқуқлари тикланган, бунга айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилаётган ҳолатлар етарли. Одамларимиз кўрсин, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилишини, қонунларимизнинг ишлаётганлигини. Шунда барча фуқароларимизда қонун кучига мустаҳкам ишонч ҳосил бўлади.

Куни-кеча тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтган йилда амалга оширилган ишларнинг якуний сарҳисоби натижалари барча вилоятларда муҳокама этилиб, мавжуд камчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Жамиятимизнинг барча соҳаларида жадал бораётган ислоҳотлар ҳар биримизнинг зиммамизга катта маъсулият юклаб, олдимизга ҳал этилиши лозим бўлган ўта муҳим вазифалар қўйиб, барчамиздан ташаббус ва фидойиликни талаб қилмоқда. Ҳозирги раҳбар, ўтмиши ва келажаги буюк мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтадиган бўлсак, ўзи ҳам ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. Давр бугун биздан шуни талаб қилмоқда.

**Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари.**

# Халқ банки — аввало оила банки

*Шу боис ҳам аҳоли қўлидаги бўш маблағларни омонатларга жалб этиш йиллик режаси 139,5 фоизга уддаланди*

Бошқарувимиз томонидан қабул қилинган 2001-2002 йилларда Халқ банкини ривожлантириш дастурида аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари асосида ташкил этиладиган омонатлар турлари анчагина. Энг муҳими, мижозлар қалбига йўл топа олишда, катта-кичик жамоаларда тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри уюштиришда ва айтилган сўзлар, берилган ваъдаларни амалда бажаришда. Жамоамиз фақат шунга интилаяпти. Маҳаллий телевидение, газеталарда ҳар бир бўлимимиздаги шарт-шароит, хизмат турлари ҳақида маълумотлар берилмоқда.

Омонатларни сақлаш, турли кредитлар беришда яратилган қулайликлар ўз самарасини бераётир. Шу боис мижозлар сони тобора кўпайиб бормоқда. «Аср совғаси», «Кафолат», «Олтин куз», «Кексаларга иззат-ҳурмат ва ғамхўрлик», «Тома-тома кўл бўлур», «Саховат», «Тантана», «Қадрият», «Фахрий», «Ассалом янги йил» каби омонат турларида 5 миллион сўмдан 30 миллион сўмгача маблағлар сақланмоқда. Омонатларга жалб этилган аҳоли маблағи 1 миллиард 772 миллион сўмга етгани ҳам фуқароларнинг, оилаларнинг банкимиз хизматига нақадар боғланиб қолаётганлигини кўрсатиб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлидаги дастур ҳақида гапираркан, учинчи устувор йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этишини алоҳида таъкидлаган эди. Бу эса аввало оила бюджетини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис тизимимизда кичик ва ўрта бизнесда бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахсларга кредит беришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада 2002 йили 460 миллион 107 минг сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредитлар тарқатилди. Бевосита 111 ишчи ўрни ташкил этилди.

«Талаба», «Таҳсил», «Тўёна», «Абитуриент» каби янги кредит турлари ёшларимизнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишида муҳим ўрин эгалламоқда. Бир йилда 17 миллион 401 минг сўм узоқ муддатли кредит («Талаба») берилган бўлса, қисқа муддатли «Таҳсил» кредитидан 156 оила баҳраманд бўлди.

Ҳар бир банкнинг фаолияти мижозларга қандай хизмат кўрсатаётгани билан баҳоланса, унинг иқтисодий аҳволи жамоа мутахассислари, ишчи-хизматчиларнинг тадбиркорлик, ташаббус кўрсатиб ишлаши билан ўлчанади. Ўтган йили Халқ банки тизимида бевосита халқ истеъмол моллари сотиб олиш учун «Комфорт» кредити ташкил этгандик. Ҳозиргача 200 га яқин оила бу кредитдан баҳраманд бўлди. Тўлов фоизидан ундирилган ҳақнинг ўзи 20 миллион 160 минг сўмга етди. Бундай кредитларимиз турлари эса анчагина. Натижада жамоамиз қисқа даврда салкам 155 миллион сўм даромад қилди.

Йил давомида жойлардаги ҳар бир бўлим ва бўлинмаларимиз фаолиятини ўрганиб, иқтисодий аҳволини таҳлил этиб боришни йўлга қўйганмиз. Зарур пайтда мижозларга малакали хизмат кўрсата олмаган, омонатчилар билан ишлашга масъулият билан ёндошмаган ходимларга нисбатан жиддий чоралар кўриляпти. Ахир тизимимизда қаерда хатоликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилса, ўша ерда иқтисодий ўсиш бўлмаслиги, аксинча муаммолар пайдо бўлиши ойнадек равшан-да.

Ўтган йилнинг ўрталарида Фориш ҳамда Дўстлик туманларидаги бўлимларимизда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси бирмунча пасайиб кетганлигидан ташвишланиб, ҳар икки жамоа фаолиятини жиддий таҳлил этдик. Мутахассисларимиз жамоалардаги барча нуқсон ва камчиликларни, уларнинг сабабларини очиқ-ойдин кўрсатиб беришди. Ҳатто банк биноларида мижозлар учун энг зарур шароитлар яратилмагани, тадбиркорларга етарли даражада амалий ёрдам кўрсатилмаётгани маълум бўлди. Оқибатда ҳар икки бўлим раҳбарлари, бош ҳисобчиларини алмаштирдик. Йил якуни бўйича Форишда тадбиркорларга бор-йўғи 2 миллион 270 минг, Дўстликда 4 миллион сўм кредит берилгани фикримизни тасдиқлайди. Фориш туманига қўшни Ғаллаоролда бу кўрсаткич 23,5 миллион сўмни, Дўстлик тумани билан ёнма-ён Пахтакорда эса салкам 82 миллион сўмни ташкил этади.

Вилоят бўйича мавжуд барча бўлимлар, филиалларимизни ёш, билимли ходимлар билан тўлдириб боришга интиляпмиз. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мутахассисларимизнинг малакасини ошириш учун бошқармада ўқув маркази ташкил этилган. Вақти-вақти билан улар банк академиясида таҳсил олишяпти. Минтақавий ўқув маркази билан ҳам шартномалар тузилган. Ишчи-хизматчилардан 78 нафари ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишаяпти. 23 нафар ходим ҳам ишдан ажралмаган ҳолда турли олийгоҳларда ўқишаяпти.

Бугунги кундаги асосий вазифаларимизни банкдаги хизмат кўламини кўпайтириш, деб биламиз. Шу мақсадда яқин келажакда Арнасой, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор ва Жиззах туманларида жами 15 та мини-банк ташкил этиш режаланган.

Муаммоларимиз ҳам анчагина. Мавжуд 109 та бўлинмамизнинг барчасида ҳам мижозлар, ходимлар учун яхши шароит яратилган, деб айтолмаймиз. Аҳолига хизмат кўрсатишда масъулиятсизликка йўл қўяётган, малакасиз ходимлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун кейинги пайтда ишга қабул қилинаётганларни фақат танлов асосида олаяпмиз. Ташаббус кўрсатиб ишламаётган, мижозлар қалбига йўл тополмаётган ходимлардан воз кечишга тўғри келяпти.

Халқ банкининг энг аввало оила банки эканлигини, бу ерда юксак малакали, маънавиятли, маданиятли кишиларгина ишлаши лозимлигини бугунги кунда ҳар бир банк ходими тушуниб етмоғи давр талабидир.

**Зафар ЭРГАШЕВ,**
**Халқ банки Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи.**

# Сувдан оқилона фойдаланайлик

*Икки миллиард нафардан ошиқ одам, яъни Ер шари аҳолисининг 40 фоизга яқини ичимлик суви тақчиллиги муаммосига дуч келмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва саноат эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган чучук сув заҳираларининг етишмаслиги ҳам кучаймоқда.*

Ушбу муаммонинг долзарблиги сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2003 йилни «Чучук сув йили», деб эълон қилди. Мамлакатимизда ушбу муаммони Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг ўтган йилги ривожланиш якунлари ва бу йилги вазифаларга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида белгиланган асосий фаолият йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда бартараф этиш "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасида ташкил этилган учрашув мавзусига айланди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Сув келажак учун" мавзуида ўтказилган мазкур учрашувда олимлар, экологлар, сув масалалари мутахассислари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларига муаммо кўлами ҳақида маълумот берилди. Ер шаридаги сувнинг 97,5 фоизи шўр бўлиб, у асосан океанларда бўлади, унинг 2,5 фоизигина чучук ҳисобланади. Бундан ташқари, сувнинг умумий миқдорининг бор-йўғи 0,26 фоизи фойдаланиш учун яроқли, қолган заҳиралар эса музликлар ва чуқур ер ости сувларидан иборат. Мутахассислар ҳисоб-китоби шуни кўрсатадики, 1960 йилда Ер шарида сувни умумий истеъмол қилиш йилига 1250 кубометрни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич икки марта кўпаяди ва янала ошади. Бу каби йўналиш мавжуд сув тақчиллигини оширади ва янги муаммоларни юзага келтириши мумкин. Масаланинг бошқа жиҳати шундан иборатки, чучук сув ифлосланишининг ортиб бориши биз фойдаланаётган чекланган сув заҳирасининг камайишига олиб келади. Ўтган йили Йоханнесбургда ўтказилган Барқарор ривожланиш бўйича жаҳон саммитида сув муаммоси замонамизнинг энг долзарб экологик муаммоларидан бири эканлиги қайд этилган эди. Саммитда қабул қилинган ҳаракат режасининг бўлимларидан бирида сув таъминотини бошқаришни яхшилаш ва ресурсларни одилона тақсимлашни таъминлаш таъкидланган.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ҳам ушбу муаммога дуч келмоқда. Бу борада энг асосий омиллардан бири сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигидир. Минтақада аҳоли жон бошига сувни истеъмол қилиш даражаси жуда юқорилиги қайд этилди. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача олганда икки маротаба кам.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу борада қабул қилинаётган чора-тадбирларга қарамасдан республикамизда сув муаммоси мураккаблигича қолаётир. 2 мингдан зиёд қишлоқ аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланмаган, республикадаги турар-жой фондининг 8,3 фоизигина сув ўлчагич асбоблар билан жиҳозланган, холос. Ўзбекистон Орол денгизининг ёпиқ ҳавзаси зонасида жойлашгани вазиятни янада кескинлаштиради ва унинг жўғрофий ўрни қўшимча сув миқдорининг келишини ҳисоб-китоб қилиш имконини бермайди.

Учрашувда иштирок этган Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров ва бошқа сўзга чиққанлар шу боис сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш кераклигини таъкидлади. Бу борада сувнинг мавжуд ресурсларининг сифатли кўрсаткичларини сақлаш, суғоришнинг самарали усулларидан, масалан, томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш биринчи галдаги вазифалар сирасига киради. Ушбу ишларда самарали натижаларга эришиш учун республикамизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур. Бунинг учун олимларимиз, янги технологиялар ихтирочилари, шунингдек, бўлғуси мутахассислар, яъни ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари талабалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиши керак.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*Бепоён диёримизнинг шимолий минтақаси — Устюрт кенгликларидаги ер ости бойликлари бугунги кунда халқимиз фаровонлиги, иқтисодиётимиз ривожи йўлида хизмат қилмоқда.*

# Газ конденсати миқдори ортмоқда

*Бунда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги «Шарқий Бердақ» газ конденсати ишлаб чиқариш жамоасининг хизмати катта бўлаётир. Бу жамоа аҳли кунига 15-16 тонна газни қайта ишлаб, ундан 700 минг кубометр газни ажратиб олмоқда.*



**СУРАТЛАРДА:** газ конденсатини ажратиб олувчи агрегатлар бир маромда ишлаяпти; илғор ишчи Турганбек Нуримбетов.

**Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Амалий ёрдам кўрсатилади

"Халқ сўзи" назорат қилади



**Газетамизнинг шу йилги 17 январь сонида "Чумчуқ сўйса ҳам..." сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Самарқанд вилоятида чоп этилган китоблардан айримларининг мазмунан саёзлиги, бадиий савияси пастлиги ташвиш ила таъкидланганди. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Р. САФОЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:**

*"Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда миллий адабиётимиз анъаналарига ва нуфузига мос келмайдиган, китобхон дидига ва талабига жавоб бермайдиган, бадиийликдан йироқ, мазмунан саёз, юзаки китоблар чиқариш ҳоллари рўй бермоқда. Баъзи жойларда амалпараст, шуҳратпараст кимсалардан бошқа ҳеч кимга керак бўлмаган, маънавиятимиз, таълим-тарбия иши учун зарарли босма маҳсулотлари муаллифлар ёки уларнинг ҳомийлари маблағи ҳисобига чиқарилмоқда.*

*Мазкур масала Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги ҳудудий нашриётлар мисолида ўтган йилнинг декабрь ойида алоҳида кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди. Қатор ҳудудий нашриётлар истиқлол ғояси, миллий маънавиятимиз, маданиятимизга хос бўлмаган мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан бўш, ижтимоий ҳаётдан йироқ китобларни чоп этганликлари учун қаттиқ танқид қилинди. Ҳайъат қарори билан ҳудудий нашриётларга амалий ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланди.*

*"Халқ сўзи" ижтимоий аҳамиятга молик мазкур муаммога доир таҳлилий мақолалар бериб, ҳаётимиздаги нуқсонларга қарши жамоатчилик фикрини уйғотиб, яхши иш қилаяпти. Бу саъй-ҳаракатлар адабий танқидчиларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланса, нур устига нур бўларди".*

Миллий дастур ниҳоллари

*«Бир йил тўқ яшайман десанг — шоли эккин, беш йил олдинни кўзласанг — боғ яратгин, бир умр фароғатда яшамоқчи бўлсанг — борингни таълим-тарбияга сарфла» деган ибора мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларга ҳамоҳангдир.*

# Изланиш сабоғи

## ёки хусусий боғчадан ота-оналар мамнунми?

Кейинги йилларда кишининг кўзини қувонтирадиган шинам коллежлар, академик лицейлар бинолари бунёд этилдики, бу фарзандларимизнинг чуқур билим олишига, касб эгаллашига бўлган қизиқишини оширди. Айниқса, мактабгача болалар тарбия муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, бу тизимда рақобат муҳитини яратиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун қилинган саъй-ҳаракатлар бугун ўз натижаларини кўрсата бошлади. Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари ҳам ота-оналарнинг ишончли даргоҳига айланмоқда.

— 1997 йилда хусусийлаштирилган 415-болалар боғчаси негизида «Дўмбоқча» масъулияти чекланган жамияти барпо этилганди, — дейди хусусийлаштириш ташаббусини пойтахтда биринчилардан бўлиб бошлаган, давлатга қарашли бўлмаган «Дўмбоқча» болалар боғчаси директори Дилшода Нусратова. — Шу ўтган вақт мобайнида жамоамиз ўзининг меҳнати билан оғизга тушди.

Боғчага кираверишингизда болалар майдончаларидаги турли-туман эртаклар қаҳрамонларини эслатувчи ўйингоҳлар, спорт майдончаси, айниқса, озодалик кайфиятингизга хушнудлик бағишлайди.

**— Хусусий боғчаларда болалар кам бўлса керак?**

— Қаёқда, кунора икки-уч киши келади, боламни жойлаштиришга ёрдам қилинг, деб. Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда чет давлатларнинг элчихоналари фаолият юрита бошлади. Элчихона ходимларининг кўпчилиги оиласи билан келишган. Ўз-ўзидан маълумки, оиладаги ёш бола учун боғча керак. Ўз касбига садоқатли мутахассислар қўлида тарбияланган бола эса мактабга борганда қийналмайди.

— Хусусий боғчаларни кўпайтириш — давр талаби, бироқ дуч келган тадбиркорга уни очишга рухсат бериб бўлмайди, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Камол авлод» мактабгача тарбия ва бошланғич таълим мажмуаси директори Маъмура Комилова. — Биринчи навбатда бу ерда соҳа мутахассислари ишлаши лозим. Болалар тарбияси режа асосида олиб борилиши керак. Кўпгина хусусий боғчалар ота-оналарга яхши кўринамиз, деб беш ёшга тўлмаган кичкинтойларни ҳам ҳарф ўргатишга ҳаракат қилиши педагогикага зид. Мутахассис сифатида хусусий боғчаларни айланганда бу ҳолларга дуч келдик. Бироқ шаҳримизда ўрганса, тажриба орттирса арзийдиган хусусий боғчалар ҳам бор. «Дўмбоқча» худди шундай боғчалардан.

Бу ерда мактабгача болалар тарбия муассасаларига қўйиладиган талабга алоҳида эътибор қаратилган. Кичкинтойларнинг билиш қобилиятини ошириб, уларга теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тушунтиришга ҳаракат қилаётган педагогларнинг дарсини тингласангиз, эртаклар оламига киргандай бўласиз. Психолог ёрдамида 5 ёшгача бўлган ҳар бир боланинг фанларга қизиқиши ўрганиб борилади. Гуруҳларда болалар 10-15 нафардан ошмайди.

Боғчада «Хурсанд» номли болалар театри ҳам мавжуд бўлиб, унинг актёрлари жажжи болакайлардир. Миллий рақс, хореография, таэквандо билан шуғулланадиган болаларга барча қулайликлар яратилган. Айниқса, ёз ойларида турли музейларга, шаҳардан ташқарига — табиат қўйнига, Ботаника боғига саёҳатлар уюштирилиши уларнинг жажжи қалбида табиатга меҳр уйғотади. Болаларга ҳафтада 2-3 марта ўзбек, инглиз тилларини ўргатиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Уларни соғломлаштириш учун барча имкониятлар яратилган. Уч ойда бир марта ялпи врач кўригидан ўтказилади. 2002 йилда тиббиёт маркази очилган бўлиб, унда психологик ёрдам кўрсатиш, қулоқ-томоқ-бурун, логопед, физиотерапия хоналари мавжуд. Ҳар бир бола учун уч ойда бир марта соғломлаштириш сеанслари олиб борилади.

— Баркамол авлод келажаги йўлида ташланаётган одимлар, албатта, ўз самарасини бермоқда, — дейди Дилшода опа. — Бизнинг асосий вазифамиз — болажонларни соғлом ўстириш. Яқинда боғчамизда қишки чўмилиш ҳавзаси қуришни режалаштирдик. Бу, албатта, катта маблағ талаб этади. «Савдогарбанк»дан 50 миллион сўм миқдорида кредит сўраганмиз. Ишимиз юришиб кетса, ажабмас.

**— Ҳойнаҳой, сизлар билан рақобатлашадиганлар ҳам бордир?**

— Ҳали рақобатчиларни сезганимча йўқ. Ҳаёт ҳамиша бир маромда турмаслигини ҳисобга олсак, эртага ёки индинга рақобатчилар чиқиши аниқ. Ҳозир шаҳримизда 12 та давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаси фаолият олиб бормоқда.

Дилшода Нусратова гапларидан бу ишда рақобат муҳим масала эмас, тарбиянинг ўзи муҳимроқ эканлигини уқиб олиш қийин эмасди.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

*(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2003 йил январь ойи учун маълумот)*

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 20 декабрдаги 139, 2-0-9/26, 2002-92-сон қарори.*

**2003 йил 8 январда 1197-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 18 январдан кучга киради).**

2. «Тижорат банклари томонидан қайта ишловчи корхоналарга сут, тирик мол, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини харид қилиш учун нақд пул бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 30 ноябрдаги 26/7-сон қарори.*

**2003 йил 14 январда 1198-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 24 январдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 12 октябрдаги 23/8-сон қарори.*

**2003 йил 14 январда 1199-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 24 январдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 12 октябрдаги 23/6-сон қарори.*

**2003 йил 14 январда 1200-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 24 январдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 12 октябрдаги 23/7-сон қарори.*

**2003 йил 14 январда 1201-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 24 январдан кучга киради).**

6. «Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 январдаги 1012, 3, 01-02/16-4-сон қарори.*

**2003 йил 15 январда 1202-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 25 январдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификацияланиши мажбурий бўлган товарларни (маҳсулотлар)ни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 10 январдаги 10/1, 01-02/16-5-сон қарори.*

**2003 йил 15 январда 901-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 25 январдан кучга киради).**

8. «Ваколатли банкларнинг валюта айирбошлаш шаҳобчалари ходимларини доимий ротация қилиш тартиби тўғрисида регламентни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 30 ноябрдаги 26/16-сон қарори.*

**2003 йил 21 январда 1203-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 31 январдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгартерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 30 ноябрдаги 26/14-сон қарори.*

**2003 йил 22 январда 1204-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 1 февралдан кучга киради).**

10. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 14 январдаги 6, 2003-6-сон қарори.*

**2003 йил 22 январда 1102-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 1 февралдан кучга киради).**

11. «Таркибида 30 фоиз ва ундан ортиқ спирт бўлган арoқ ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, шунингдек коньяк (бренди) ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотларга қўшимча акциз солиғини ҳисоблаш ва кўрсатилган маблағларни «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» Хкнинг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 14 январдаги 4, 2003-02-сон қарори.*

**2003 йил 22 январда 1205-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 1 февралдан кучга киради).**

12. «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 18 январдаги 01/07-80-сон қарори.*

**2003 йил 22 январда 1206-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 1 февралдан кучга киради).**

13. «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 18 январдаги 01/07-81-сон қарори.*

**2003 йил 22 январда 1207-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 1 февралдан кучга киради).**

14. «Пахта хом-ашёси харид нархи ва пахта толасининг улгуржи нархини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2003 йил 4 январда 1, 1, 10, ЭГ-01/01-30, 01/4739-сон қарори.*

**2003 йил 22 январда 1208-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 1 февралдан кучга киради).**

15. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи*[1].

**2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 3 февралдан кучга киради).**

16. «Учинчи давлатларда ишлаб чиқарилган ва чегарадош давлатлар ҳудудидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун реэкспорт қилинадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини импорт қилиш учун йиғим ундириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 29 декабрдаги 142, ША-01/12-249, 01-02/8-51-сон қарори.*

**2003 йил 27 январда 1210-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 6 февралдан кучга киради).**

17. «Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш учун телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2002 йил 29 декабрдаги 200-сон буйруғи.*

**2003 йил 28 январда 1211-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 7 февралдан кучга киради).**

18. «Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2002 йил 20 ноябрдаги 2002-14, 131, 7-сон қарори.*

**2003 йил 29 январда 1212-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 28 февралдан кучга киради).**

19. «Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 20 ноябрдаги 2002-13-сон буйруғи.*

**2003 йил 29 январда 710-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 8 февралдан кучга киради).**

20. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартибига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 26 декабрдаги 28/18-сон қарори.*

**2003 йил 31 январда 902-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 10 февралдан кучга киради).**

21. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартибига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 26 декабрдаги 28/17-сон қарори.*

**2003 йил 31 январда 903-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 10 февралдан кучга киради).**

22. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 26 декабрдаги 28/16-сон қарори.*

**2003 йил 31 январда 907-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 10 февралдан кучга киради).**

23. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори.*

**2003 йил 31 январда 941-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 10 февралдан кучга киради).**

24. «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 26 декабрдаги 28/19-сон қарори.*

**2003 йил 31 январда 1126-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 10 февралдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Жисмоний шахслар томонидан импорт қилинадиган товарларни ҳисобга олиш ва сотиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2002 йил 20 июнда 1150-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2003 йил 8 январда 1-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ноозиқ-овқат истеъмол товарларни юридик шахслар томонидан импорт қилинганда йиғим ундириш тартиби тўғрисида низом ва 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (2002 йил 2 августда 1163-сон, 2002 йил 3 октябрда 1163-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2003 йил 14 январда 2-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Тери ва мўйна хом-ашёсини сотиб олиш учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган, «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси томонидан келишилган (1999 йил 13 январда 592-сон, 2000 йил 21 августда 592-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2003 йил 14 январда 3-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситалар, номоддий активлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган.(2000 йил 18 мартда 912-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2003 йил 14 январда 4-мҳ, 5-мҳ, 6-мҳ-сон буйруқлари билан реестрдан чиқарилди.**

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик (оқизиб юборганлик) ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун бюджетга ва табиатни муҳофаза қилиш фондига тўланадиган тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган (2002 йил 15 январда 1099-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2003 йил 20 январда 9-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

6. Меъёридан ортиқ тайёр маҳсулот учун тўловни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2000 йил 26 январда 886-сон, 2000 йил 3 майда 886-1-сон, 2000 йил 18 августда 886-2 билан давлат рўйхатидан ўтказилган)*

**Адлия вазирининг 2003 йил 21 январда 11-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

7. «Арoқ ва коньяк маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотларга қўшимча икки фоиз акциз солиғини ҳисоблаш ва кўрсатилган маблағларни «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2001 йил 24 мартда 1020-сон билан рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2003 йил 22 январда 14-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

***Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

**III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Фуқаролик авиациясида аэронавигацион ахборотлар хизмати» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Даваавиаазорат буйруғи.*

***Мазкур ҳужжат умумий мажбурий кучга эга эмас.***

2. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва экспериментал авиацияси парвозларини метеорологик таъминлаш» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Даваавиаазорат буйруғи.*

3. «Парвозлар ва авиацион электроалоқаларни радиотехник таъминлаш» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Даваавиаазорат буйруғи.*

4. «Ёғ экстракциялаш ишлаб чиқариши учун портлаш хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг қарори.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжатлар деб топилди. Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда тегишли идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.***

**IV. Давлат рўйхатидан чақириб олинди:**

1. «Автобуслар ва йўналиш таксиларида ягона чипта турларини жорий этиш ва чипталар билан таъминлаш, уларни сақлаш, бериш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг буйруғи.*

2. «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг қарори (янги таҳрирда).*

***Мазкур ҳужжатлар уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган идоралар томонидан чақириб олинди. Ҳужжатлар такроран тақдим этилган ҳолда, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи белгиланган тартибда кўрилади.***

**V. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:**

1. «Электр иситиш мақсадларида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.*

2. «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори.*

3. «Аҳоли яшаш жойларидаги сув таъминоти ва сув етказиш тизимидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг буйруғи.*

4. «Шаҳар гидротехника иншоотларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг буйруғи.*

5. «Автомобиль таъмирлаш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи.*

6. «Ишлаб чиқариш ички транспортидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи.*

7. «Кредит уюшмаларида бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори.*

8. «Кредит уюшмаларида бухгалтерлик ҳисобининг ҳисобварақлар режасини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори.*

9. «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашма (корхона)лар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)га нисбатан баҳо ва тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

10. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими педагогик ва ўқув-ёрдамчи ходимларига малака тоифаларини белгилаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.*

11. «Донни сақлаш, қайта ишлаш, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлардаги бинолар, ишлаб чиқариш хоналари, иншоотларида оловли ишларни олиб боришда хавфсизликни таъминлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг қарори.*

12. «Ёғ-мой саноати корхоналарида газ билан боғлиқ хавфли ишларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг қарори.*

13. «Ёғ экстракциялаш ишлаб чиқариши учун авария ҳолатларини локализациялаш режаларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг қарори.*

14. «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг электр қурилмаларини энергетика тизими тармоқларига улаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўздавэнергоназорат агентлигининг буйруғи.*

15. «Маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари ва провайдерларининг халқаро ва республика маълумот узатиш ахборот тармоқларига, жумладан Интернет тармоғига уланишлари тартибини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи.*

***Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.***

**VI. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:**

1. «Ўзбекистон Республикасида ишаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

3. «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

4. «Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва нормаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг буйруғи.*

5. «Олий таълим ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи.*

6. «Депозитар фаолиятни амалга оширишга оид талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.*

7. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари бўлган жисмоний ва юридик шахсларга қўйиладиган малака талаблари тизими тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.*

8. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдода сотиладиган маҳсулотларнинг назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *«Ўзстандарт» агентлигининг буйруғи.*

9. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС 55-сон) «Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш босқичлари»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.*

10. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС 80-сон) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.*

11. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС 60-сон) «Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.*

12. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС 25-сон) «Аудиторлик текшируви ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.*

13. «Айрим меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.*

14. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

15. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.*

16. «Суғурта агентлари тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

17. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғурта назорати инспекцияси томонидан суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

18. «Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ва транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда уларни ташиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария назорати Бош бошқармасининг буйруғи.*

19. «Тижорат банкларининг қимматли қоғозларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва қийматини тўлаб бериш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қарори.*

**Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 декабрдаги ТД/04-02-05/729, 13/3-9351-сонли қўшма тушунтириши.

***Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.***

**Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:**

1. Капитал қурилиш бўйича статистик ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 20 январдаги 1612-495-сон хати.

***Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳамда амалдаги қонунчиликка зид ҳужжатлар сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.***

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**
**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.**

[1] Мазкур ҳужжат рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан 2002 йил 19 мартда 1117-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ биржаларга нисбатан қўлланилмайди.


OSCE

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ва Ўзбекистон очиқ жамият институти — кўмак жамғармаси**

**демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва сўз эркинлиги, фуқаролик жамияти ривожланиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳиссасини қўшаётган энг яхши журналистик материаллар республика танловини эълон қилади.**

**Танлов шартлари**

**1. Танлов 3 номинация бўйича ўтказилади:**

- энг яхши таҳлилий, муаммоли нашрлар туркуми (қамида учта);
- энг яхши таҳлилий, муаммоли теледастурлар туркуми (камида учта);
- энг яхши таҳлилий, муаммоли радиодастурлар туркуми (камида учта).

Юқорида кўрсатилган барча номинациялар учун совринлар таъсис этилган.
Шунингдек, айрим мақолалар, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар рағбатлантирувчи совринлар билан тақдирланади.
Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирларига **«Фуқаролик позицияси учун» номинацияси** таъсис этилади.
Шунингдек, журналистика факультетларининг талабаларига **«Энг сара профессионал журналистик материал учун»** махсус соврини таъсис этилади.

**2. Танловда** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ҳар қандай оммавий ахборот воситаларининг («Интернет»дан ташқари) штатдаги ва жамоатчи ижодий ходимлари иштирок этишлари мумкин.

**3. Танлов материаллари** 2002 йил 1 апрелдан 2003 йил 31 мартгача бўлган даврда матбуотда чоп этилган, радио орқали эшиттирилган ва телевидение орқали намойиш этилган бўлиши керак. Нашрлар/дастурлар ҳажми ва жанри чегараланмаган.

**4. Танлов материаллари** (чоп этилган асарлар — нашр ёки ксерокопия кўринишида, телекўрсатувларнинг видео тасмаси, радиоэшиттиришларнинг овоз ёзилган тасмаси) **муаллифлар ҳақидаги керакли маълумотлар билан** Ўзбекистон очиқ жамият институти — кўмак жамғармасига юборилиши лозим. Манзил: 700031, Тошкент ш., «Зарбоғ» кўчаси, 31-уй. Тел./факс: 120-54-08/10/11/12, 120-50-10/11.

**Мулоқот учун шахс — Малика Мирхонова.**

**5. Ариза ва материалларни топшириш муддати — 2003 йил 1 апрель.**
Танловга тақдим этилган материаллар жюри томонидан ўрганиб чиқилиб, қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:
а) танланган мавзунинг/муаммонинг долзарблиги;
б) тадқиқотнинг сифати ва чуқурлиги;
в) ўзига хос услубда яратилган материаллиги;
д) ҳиссий таъсир этиш кучи;
е) таъсирчанлиги/ижтимоий самараси.

**Танлов натижаларини якунлаш ва мукофотларни топшириш маросими 2003 йил 3 май куни Тошкент шаҳрида Жаҳон матбуоти озодлиги кунига бағишланган анжуманда ўтказилади.**

6875/306



**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ, ТАЪМИНОТЧИ ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ**

**2003 йилда вилоятда қурилиши ва қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши белгиланган касб-ҳунар коллежлари учун материал ва жиҳозлар сотиб олиш бўйича**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**



- *Сантехника жиҳозлари ва насослар (ЛОТ-1).*
- *Вентиляция ва иссиқлик билан таъминлаш жиҳозлари (ЛОТ-2).*
- *Телефон ва радио жиҳозлари (ЛОТ-3).*
- *Кабель-ўтказгич ва ёритиш маҳсулотлари (ЛОТ-4).*
- *Трансформатор подстанциялари ва электр жиҳозлари (ЛОТ-5).*
- *Ошхона жиҳозлари (ЛОТ-6).*
- *Ўқув мебель ва инвентарлари (ЛОТ-7).*



**Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими.**
**Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.**

*Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлимига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:* **Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.**

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**
**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**



*Бугун — 1 март. Баҳорнинг бошланиши, туғилиши ва илк куни. Айни пайтда халқимизнинг севимли ва ардоқли шоираси — Зулфияхонимнинг ҳам таваллуд топган куни.*

*Биз бугун баҳор билан эгизак шоирани ёдга олдик, бирга ўтган дамларни хотирладик. Газетхонларга эса унинг қуйидаги гўзал шеърларини илиндик.*

**Зулфия**

# ДЕМАК, БАҲОР КЕЛДИ...

*Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,*
*Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.*
*Она нигоҳидай мулойим нафас*
*Замину Осмонни бағрига олди,*
*Демак, баҳор келди.*

*Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг,*
*Одим, чеҳрасида эзгу рўшнолик.*
*Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг*
*Зилол барин тутиб югурар шодлик,*
*Демак, баҳор келди.*

*Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,*
*Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар.*
*Ел такрор, бетакрор илиқ қўл билан*
*Сочмоқда гулларга ишқдан қуёшлар,*
*Демак, баҳор келди.*

*Саховат момоси — тоғнинг кўксидан*
*Кўпириб, айқириб сути тўкилмиш.*
*Зарраси сочилган музлар устида*
*Шошқалоқ ғунчалар чоки сўкилмиш,*
*Демак, баҳор келди.*

*Ҳамиша неъматга ҳомила тупроқ*
*Тўлишган танини солмиш офтобга.*
*Деҳқон қулоғига таниш қўнғироқ —*
*Жарангдор куртаклар*
*етибди тобга,*
*Демак, баҳор келди.*

*Яна бедор, маъсум тун оғушида*
*Одимлайди сирлар,*
*ширин шивирлар.*
*Бетобе шаббода нур ҳовучида*
*Юлдуздан сепмакда жоду, сеҳрлар,*
*Демак, баҳор келди.*

*Келди баҳор!*
*Кетар ташлаб уйғониш,*
*Бутун куррамизга битта баҳор у!*
*Одилми,*
*қотилми — ҳар жонга таниш,*
*Меҳр маъбудаси наврўз — наҳор бу,*
*Ахир, баҳор келди.*

*Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,*
*Жаҳонда қанча жон*
*чиқмайди пешвоз.*
*Деҳқон уруғ сочсин,*
*ўқ очмасин тўп,*
*Қувғин эллар қушдай*
*юртга қайтсин боз,*
*Ахир, баҳор келди.*

*На масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,*
*Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.*
*Давлатлар!*
*Илтижо,*
*ўтинч,*
*исён бу:*
*Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,*
*Баҳор боқий келсин!..*

*Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,*
*Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе,*
*Абад қонунидир элтмоқ севинчлар,*
*Қабоҳат,*
*ҳунрезлик бўлмасин моне,*
*Баҳор боқий келсин!*

*Ўқ ортган кемалар денгизга ботиб,*
*Чирисин!*
*Тин олсин эллар, оламлар.*
*Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,*
*Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!*
*Баҳор боқий келсин!*

# БУ ОҚШОМ

*Бу оқшом порилар дил нурингизда,*
*Дийдор бахти насиб яна сиз билан.*
*Турибман, азизлар, ҳузурингизда*
*Ҳамон ўтлуғ кўнгил, ёруғ юз билан.*

*Ҳамон мулкимдаги сийму зарим шеър,*
*Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон.*
*Саждагоҳим танҳо Ватан, Она ер,*
*Орзуларим карвон, сарбоним ишонч!*

*Ҳамон ота-онам — икки жаҳоним,*
*Азиз ёди аро шикаста, бутман.*
*Ишқим — алангадир,*
*қордир ҳижроним,*
*Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.*

*Иккита кўзимга икки қорачиғ,*
*Мунисам Ҳулкарим, алпим Омоним.*
*Ширин набиралар толедан тортиғ,*
*Ҳар бирин жонига*
*пайванддир жоним.*

*Номлари, ёдлари пайғамбар монанд,*
*Ҳазрат устозларим, теран илдизлар.*
*Мен ундан жон олиб*
*кўкарган дарахт,*
*Меваси—қалбимдан отилган сўзлар...*

*Ҳикматлар баҳрида дур, марваридим,*
*Аждодларим — менга ифтихор, ғурур.*
*Шу мавжлардан томган*
*нуқра умидим,*
*Шоира қизларим бахш этган сурур.*

*Бу назм боғига киролмас хазон,*
*Бизни маҳв этолмас завол лашкари.*
*Мен кетсам мунғаймас*
*ўрним ҳеч қачон,*
*Бу боғлар...*
*Бир боғлар бўлади ҳали...*

*Ҳамон эътиқодим*
*ҳақиқат, ҳақдир,*
*Сўзлайман юзимни тутиб каъбага.*
*Емира олмади ўткинчи тақдир,*
*Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъзозлар,*
*Ардоғлар учун ташаккур,*
*Асли сиз офтобим,*
*мен зиёнгизман.*
*Тонгларингиз кулсин дориламон, ҳур,*
*Бахтим шул —*
*Ўзбекнинг ЗУЛФИЯСИМАН.*

# Ҳамюртимиз — «Труд» — 2002» ғолиби

Тошкентдаги қўшма корхоналардан бирининг ходими Зарема Умерова «Труд» газетаси томонидан Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудуди доирасида эълон қилинган энг нуфузли фототанловнинг ғолиби бўлди. Унга олтин билакузук топширилди.

— Ўзбекистонлик гўзалнинг келишган қадди қоматига муносиб хушчақчақлиги ва қатъиятлилиги, шунингдек, нозик дид-фаросати унинг ғолиб чиқишига ёрдам берди, — деди «Труд» газетасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири Валерий Бирюков бу воқеани изоҳларкан. — Унинг ана шу фазилатлари жюри аъзоларига жуда маъқул тушди.



Тошкент давлат аграр университетини муваффақиятли битирган Зарема «Тезинтом» ўзбек-немис қўшма корхонасида иқтисодчи лавозимида ишлайди. Бу ерда рангли металл томёпқичлари, манзарали панжара ва эшиклар тайёрланади. Бу маҳсулотлар, айтиш мумкинки, шаҳарларимиз ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Яъни, улар кейинги йилларда бунёд этилган майдонларни ва уйларнинг томларини ажиб бир тарзда безамоқда.



Кўз олдингизга келтиринг: ишлаб чиқарилган панжара ва перила, эшик ва дарвоза, шамдон ва гардинверлар... Буларнинг ҳаммаси буюртма асосида тайёрланмоқда. Ана шу безакли буюмларни Зарема ҳам жуда хуш кўради. «Олтин билакузук» мукофотини топшириш маросимида унга «Тезинтом» қўшма корхонасининг қўли гул усталари ясаган олтин атиргул ҳам ҳадя этилгани, демак, бежиз эмас.

— Мени ҳайратга солгани шуки, оддий металлдан ясалган ана шу буюмлар ўзининг ажиб чиройи ва ёқимли кўриниши билан нафақат уйларни, балки кишилар қалбини ҳам безамоқда, — дейди Зарема Умерова. — Сабаби, менимча уларнинг ҳар бирига усталар қалб қўрини бағишлаганида бўлса керак.

Зарема ўз касбининг билимдони, фикри доираси кенг, қизиқувчан мутахассис. У нафақат бўш вақтларида инглиз тилини мукаммал ўзлаштириш билан шуғулланади, машина ҳайдашни ўрганади, ҳатто тренажер залига ва сузиш ҳавзасига боришни ҳам ёқтиради. Қизиқарли томони шундаки, бу қиз «Фигаро» модель санъати мактабини ҳам тугатган. Шундан бўлса керак, яқинда Голландиянинг «Rosenberg» модель агентлиги унга ҳамкорлик қилиш хусусида таклифнома юборди. Бу эса Заремани истиқболда модель бизнеси соҳасида ҳам катта муваффақиятлар кутаётганидан далолат беради.

Эътиборлики, «Тезинтом» қўшма корхонаси бош директори Элёр Ғуломовнинг фикрига қараганда, Зареманинг танловда ғолиб чиққанлиги фирма маҳсулотлари нуфузини ошириб-гина қолмай, балки «Made in Uzbekistan» тамғаси шарафини ҳам янада юксалтиришга хизмат қилади.

Яна бир гап. «Тезинтом» қўшма корхонаси жамоаси «Гўзал ва ишончли» шиори остида меҳнат қилмоқда. Зарема эса ўз ютуғи билан бу борада яна бир муҳим қадам қўйди десак, муболаға бўлмайди. Чунки бутун Ҳамдўстлик мамлакатларида энг оммавий бўлган, айниқса, Ўзбекистонда севиб ўқиладиган «Труд» газетаси ўзининг юксак обрўси билан нафақат уни, балки фирмани ҳам қўллаб-қувватлади. Зеро, бу Президентимиз Ислом Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам» деган сўзларининг амалдаги исботидир.

**Ғузел АЙКИНА.**

**СУРАТЛАРДА: «Труд»-2002» фототанловининг ғолиби Зарема Умерова; фототанловдан лавҳа. Александр БЕЗРУЧКО олган суратлар.** t

## Шифохонада янги жарроҳлик маркази

Самарқанд шаҳридаги биринчи бирлашган шифохонасида 50 ўринга мўлжалланган микрохирургия ва қон томирлари жарроҳлиги маркази иш бошлади. Бу ерга хорижда ишлаб чиқарилган «Ангиография» ускунаси ўрнатилди. Бунинг учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 50 миллион сўм маблағ ажратди.

Шунингдек, шифохонанинг қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлими қайта таъмирланди. 30 ўринли палаталар қайта жиҳозланиб, қўшимча пуллик хоналар ҳам ташкил этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Мустақиллик кубоги - 2003

*Шу йилнинг 2-4 март кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича "Мустақиллик кубоги" анъанавий халқаро Гран-при турнири ўтказилади.*

## ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ШОШИЛМОҚДА

Ҳаваскор курашчилар халқаро федерацияси — FILAнинг махсус қарори билан Эрон тўрт йил муддатга йирик ва нуфузли расмий мусобақаларга мезбонлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Оғир вазнли эркин курашчилари билан ном чиқарган мазкур мамлакатнинг бунчалик қаттиқ жазоланишининг жиддий сабаби бор, албатта. Гап шундаки, ўтган йилги жаҳон чемпионати ушбу давлатга ишониб топширилган эди. Аммо катта спорт тадбири пайтида ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилмагани, мезбонлар тайёргарлигининг пастлиги нафақат FILA раҳбарлари, балки турнирда қатнашиш учун узоқ-яқиндан келган делегациялар вакилларини ҳам ранжитди. Натижада юқоридагидай "дакки" берилди.

Бизда-чи? Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, қисқа фурсатда бундай тадбирларни юксак савияда ташкил этиш тажрибаси шакллантирилди. "Мустақиллик кубоги"га Гран-при мақоми берилгани, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати Тошкентда мақтаса арзигулик даражада ўтказилгани ана ўша тажрибанинг мевасидир. Иккинчидан, бу жараённинг нақадар пишиқ-пухта кечиши, ташкилотчиларнинг жонкуярлик билан астойдил ҳаракат қилиши халқаро миқёсда тамомила эътироф этилган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб FILAнинг олий мукофоти - "Олтин маржон" билан тақдирланганини мамлакатимизда спортни оммалаштириш, нуфузли мусобақаларга муносиб мезбонлик қилиш йўлида қилинаётган ишларга берилган юксак баҳодир. FILA бюросининг аъзоси Аҳрор Рўзиевнинг бош қароргоҳдаги обрўли лавозимлардан бирига таклиф этилгани биздаги ташкилотчилик тажрибасини бошқаларга ҳам ёйиш мақсадида қилинганини англатади.

"Мустақиллик кубоги" бу йил олтинчи бор ўтказилади. Олтинчи одим аввалгилардан қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилиши табиий. Буни, биринчи навбатда, турниримизга қизиқиш кучайиб бораётганида кўриш мумкин. Сабаби Афина олимпиадаси эшик қоқмоқда. Унга йўлланма берадиган мусобақалардан бири эса "Мустақиллик кубоги"дир. Иккинчи фарқли томони, бу галги беллашувда барчага яхши маълум спорт юлдузлари қаторида кўплаб ёш истеъдодларнинг гиламга чиқиши кутилмоқда. Демак, Тошкент турнири дунё полвонлари орасидан янги юлдузларни кашф қилиб беради.

**Озод РАЖАБОВ, ЎзА мухбири.**


*Бизнесингиз учун янги имкониятлар!*

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**АҚШда ишлаб чиқарилган технологик ускуналар, машиналар ва агрегатлар сотиб олиш учун кичик ва ўрта тадбиркорликни АҚШ экспорт–импорт банки кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.**

- импорт контракти банк томонидан молияланиши - 100 минг АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача;
- кредит муддати — 7 йил;
- қарз олувчининг ўз маблағлари иштироки - лойиҳа қийматининг камида 25%;
- гаров таъминоти - кредит қийматининг камида 120%.

**АҚШдаги потенциал технология ишлаб чиқарувчиларни излашда сизга қуйидаги интернет-сайтлар ёрдам беради:**

**www.processfood.com**
**www.packexpo.com**
**www.buyusa.com**
**www.keyww.com**
**www.usamanufacturers.com**

*Лойиҳангизни муваффақиятли амалга ошириш учун ACDI/VOCA (АҚШ) компаниясининг юқори малакали маслаҳатчилари жалб қилинган.*

**Қўшимча маълумотлар олиш учун Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига ёки банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Телефонлар: 137-59-15, 137-62-73, 137-62-75, 137-63-48.**
**www.nbu.com.**



**«БЕКТЕМИР УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»**
**очиқ акциядорлик жамиятининг**

**2003 йил 14 март соат 11.00да бўлиб ўтадиган акциядорларнинг умумий мажлиси кун тартибига киритилган қўшимча масалалар:**

1. *Жамият бошқарув раисини сайлаш ҳақида.*
2. *Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган бизнес-планини тасдиқлаш.*
3. *Жамиятнинг низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.*

**«Бектемир универсал бозори» ОАЖ кузатув кенгаши.**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

**ОШХОНА ЖИҲОЗЛАРИНИ харид қилишга тендер эълон қилади.**

*Таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.*

**Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: 120-76-58, 120-76-98, 120-76-00 қўшимча: 26-82, 26-84.**


Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «Саҳна нутқи» кафедрасининг собиқ доценти, санъатшунослик номзоди **Сотимхон ИНОМХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси жамоаси Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи **Ҳомиджон ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси ўқув бўлими бошлиғи Ўткур Ускенбаевга акаси **Зокир УСКЕНБАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси «Қурилиш технологияси ва ташкилиёти» кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Нафиса Муҳибовага онаси **СОЛИҲА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Мирaлимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 253. 34889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6